

UZBEKISTON RESPUBLIKASI
MILLIY TAYYIN PALATASI

Shu aziz Vatan — barchamizniki



O'ZBEKISTON O'VOZI

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

• 2007-yil • 13-noyabr • Seshanba • 139 (27.784) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

«...Маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, қайта ишланган маҳсулотлар ва материалларни Кооперация биржаси доирасида харид қилиш мамлакатимизнинг барча истеъмолчилари учун қўшимча тендерлар ўтказмай тўғридан-тўғри шартномалар асосида амалга оширилади».

Саноатчиларимиз форуми

Форумнинг биринчи кунги умумий қўйимати 111,6 миллиард сўмлик 62 шартнома имзоланди.



Ўлим жазосини дунё бўйича бекор қилиш резолюцияси

Ўлим жазосининг ноҳилис берилиши тузатиб бўлмас ҳа-тога олиб келади ва адолатли суд тизими-га дарз кетади.



Санъат байрамига айланган фестивал

2004 йилдан бўён ўтказилаётган ушбу ёш истеъ-додлар беллашу-вида дастлаб уч юз нафардан ор-тик ўғил-қиз ишти-рок этган бўлса, жорий йилда фести-валда салкам саккиз ярим минг нафар ўқувчи қат-нашмига муваф-фак бўлди.




Истеъдодли ёшлар — миллат гурури, Ватан таянчи



— Президентимиз совғаси мени жуда руҳлантириб юборди, — дейди Тоҳиржон.

Меҳр ва эътибор самараси

Яқинда Италиянинг Агрополъ шаҳрида бўлиб ўтган ёш пианиночиларнинг ўттинчи халқаро танловида ҳамюртимиз, Гли-эр номидаги Республика махсус мусиқа академик лицейининг 4-синф ўқувчиси, 10 ёшли Тоҳиржон АСҚАРОВ ғолибликни қўлга киритганди. Кунги кеча Ўзбекистон давлат консерваториясида Тоҳиржонга Президентимиз совғаси — замонавий компьютар ва пианино топширилди.



4-бет

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING ФАРМОНИ

Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида

Қайд этиб ўтилсинки, Ўзбекистон иқтисодиётида амалга оширилаётган чуқур, аниқ мақсадга йўналтирилган таркибий ўзгартиришлар кейинги йилларда иқтисодий ривожланишнинг юксак суръатларини ва саноатнинг илдам ўсишини таъминлади. Саноатнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 90-йиллар бошидаги 11 фоиздан 2007 йилга келиб 24 фоизгача кўпайди.

Мустақиллик йиллари мобайнида нефть-газ, машина-созлик, электр техника, кимё, металлургия саноатида ўнлаб янги йirik саноат корхоналари барпо этилди. Иқтисодиётнинг янги тармоғи — ривожланган инфра-тузилмага эга бўлган автомобиль саноати яратилдики, унда ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш даражаси бугунги кунда 60 фоиздан кўпроқни ташкил этади. Ватанимиз саноати томонидан енгил, юк автомобиллари ҳамда йўловчи автобуслари, полиэтилен, сиклид ва суолтирилган газ, кальцийлаштирилган сода, электр техника ва кабель-ўтказгич маҳсулотлари, эластик темир йўл шпаллари, машинасозлик ҳамда бошқа саноат тармоқлари учун эҳтиёт қисмлар ва бутловчи буюмлар каби янги юкори технологик маҳсулот турларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Қайд этиб ўтилсинки, сабабли кўпинча хориждан кўшимча транспорт харажатлари ва валюта сарфлаб олиб келинади, ваҳоланки уларни маҳаллий корхоналарда муваффақиятли ишлаб чиқариш мумкин бўлур эди.

Хусусан, қишлоқ хўжалик машинасозлиги, рангли металлургия, пахта тозалаш ва тўқимачилик саноатида ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперацияси имкониятларидан етарлича фойдаланилмапти. Маҳаллийлаштирилаётган ишлаб чиқаришга кичик бизнес корхоналари суост жалб этилмоқда. Ишлаб чиқаришни мақбуллаштиришда, ички тармоқ ва тармоқлараро кооперацияни мустаҳкамлаш ҳамда ривожлантиришда хўжалик юритувчи субъектларга ёрдам бериш, маҳаллийлаштириш жараёнларини кенгайтириш учун кўшимча шарт-шароитлар яратиш, ишлаб чиқариш самарадорлигини, аҳолининг иш билан бандлигини ва саноат маҳсулотни ҳажмларини оширишда мавжуд захиралардан фойдаланиш мақсадида:

1. Республика саноатининг тез ривожланиб бораётган тармоқлари учун зарур бўлган, экспорт салоҳиятини кенгайтириш, савдо ва тўлов балансини мақбуллаштириш имконини берадиган бутловчи буюмлар, эҳтиёт қисмлар, сарфланадиган материаллар ва қайта ишланган хомашё захиралари ишлаб чиқарадиган ватанимиз корхоналарини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, валюта маблағларини биринчи навбатда илгор технологиялар ва машина-ускуналарни импорт қилишга йўналтириш узоқ муддатли истиқболни кўзлаб саноатни янада ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифаси деб ҳисоблансин.

ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати

Демократик тараққиёт йўлида

улкан ютуқларни қўлга киритмоқда, дея таъкидланди Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида бўлиб ўтган семинарда

Ўзбекистон Халқ демократик партиясида ташкил этилган сиёсий ва фуқаролик маърифати тизими доирасидаги машғулотларда партия аъзолари, электорат вакиллари-нинг фуқаролик позицияси ҳамда сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини шакллантириш, тарғибот-ташвиқот тадбирларини ташкил этиш каби масалалар асосий ўринини эгаллаётгани ўз самарасини беради.

2-бет



23 ДЕКАБРЬ — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

Мен биринчи марта овоз бераман!

Ўз тақдиримга бефарқ эмасман

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови мамлакатимизда яшаётган ҳар бир фуқаро учун муҳим тарихий воқеа ҳисобланади, деб ўйлайман. Чунки ушбу сайлов мазмун-моҳиятига кўра юртимиз, ҳар бир ватандошимиз тақдирига дахлдор муҳим сиёсий жараёндир. Бунда кўпроқ биз ёшлар фаол бўлишимиз керак.

Мен бу йил Президент сайловида биринчи бор иштирок этаман. Институтимиз бош биноси ёнида 4-Бўхоро округ сайлов комиссияси жойлашган. Бу ерда сайловнинг энг муҳим мезонлари — очиклик ва ошқоралиқни таъ-

минлаш учун барча шароитлар яратиб қўйилган. Интернетга уланган компьютерлар, факс — барча алоқа воситалари ўрнатилган. Сайлов тўғрисидаги қонунлар тўплами ва бошқа зарур меъёрий-ҳуқуқий адабиётлар муҳайё. Биз дарсдан буш вақтимизда сайловга тайёргарликнинг бориши билан танишиш, комиссия аъзоларидан ўзимизни қизиқтирган саволларга жавоб олиш имконига эгамиз. Бундан ташқари, институтимизда талабалар ўртасида Президент сайловининг моҳияти хусусида суҳбат-мулоқотлар, давра суҳбатлари бўлиб ўтмоқда. Сиёсатшунос, ҳуқуқшунос ва бошқа му-тахассислар, сиёсий партия-

лар фаоллари бўлажак сайлов том маънода эркин ва ошқора сайлов бўлиб, ёшлар сиёсий онги, тафаккури, интеллектуал салоҳияти ўсишига хизмат қилишини таъкидлашмоқда. Шундай бўлса ҳам, Нимага десангиз, сайлов бу шунчаки кампания эмас, балки инсоннинг яшаш ва сайлаш ҳуқуқи, унинг мазмун-моҳияти ҳақида жиддий муҳокама юритишга ундовчи жараёндир. Биз барчамиз бир халқ бўлиб, етти йил давомида ҳаммамизнинг номимиздан иш кўрадиган миллат тимсолини сайлаймиз, унга ишонч билдираемиз. Шундай экан, у сиймо муносибларнинг муносиби бўлмоғи керак. Мен бугунги тинчлик-

осойишталик, бугунги миллий жипслик, аҳил-тотувлик, бугунги бунёдкорлик изчил давом этиши, халқимизнинг, Ватанимизнинг жаҳон миқёсидаги обрў-эътибори янада юксалиши, Ўзбекистонимизнинг байроғи жаҳон айвонида янада баланд кўтарилиши учун овоз бераман.

Ўйлайманки, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси шундай фикрлайди, ҳеч ким ўз тақдирига, эл-юрт тақдирига, эртанги кунга лойқай қарамайди, келажак учун овоз бериш масъулияти шунини талаб этади.

Футбол

Бразилия — Ўзбекистон — 2:3

(Анталиядан махсус мухбиримиз Эркин ХОЛБОБОВ хабар қилади)

Кеча Туркиянинг Анталия шаҳрида ампутантлар ўртасида навбатдаги жаҳон чемпионати бошланди. Дунёнинг ўн икки давлати терма жамоалари қатнашаётган ушбу мусобақани ҳамюртларимиз муваффақиятли бошлашди.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда)

2. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатасининг Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасини мунтазам асосда ўтказиб туришни ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Ички тармоқ ва тармоқлараро кооперацияни ривожлантириш, республикада ишлаб чиқарилаётган маҳсулот тўғрисида кенг хабардор қилиш, шерикларни излаб топиш ҳамда ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни etkazиб бериш тўғрисида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ўртасида ҳўжалик шартномалари тузишда ёрдам кўрсатиш саноат

ат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг асосий вази-фаси этиб белгилансин.

3. Доимий фаолият кўрсатувчи Республика саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг ташкилий қўмитаси таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилансинки, маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, қайта ишланган маҳсулотлар ва материалларни Кооперация биржаси доирасида харид қилиш мамлакатимизнинг барча истеъмолчилари учун қўшимча тендерлар ўтказмай тўғридан-тўғри шартномалар асосида амалга оширилади.

5. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги, Молия вазирлиги бир ой муддатда, 2008 йилги маҳаллий-

лаштириш Дастуридан бош-лаб, маҳаллий хомашё негизда тайёр маҳсулот, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш Дастурига киритилган корхоналар учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва преференциялар бериш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий вазирлиги Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда хар чорада ҳамда йил якуна-лари бўйича маҳаллий хомашё негизда тайёр маҳсулот, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг тасдиқланган Дастури ижроси натижаларини қўриб чиқиш

уچун Вазирлар Маҳкамаси-йигилишларига киритиб борсин.

7. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги 2008 йилнинг биринчи ярми давомида Агентликнинг кооперация алоқалари доирасида техникавий аудит ҳамда ишлаб чиқарилаётган ва ўзлаштирилаётган маҳсулотлар сифатини бошқариш тизимини кенг қўллаш борасида ҳўжалик юритувчи субъектларга жойларда хизматлар кўрсатиш филиаллари билан ихтисослаштирилган тузилмалари тармоғи ташкил этилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, ин-

вестициялар ва савдо вазирлиги Давлат божхона қўмитаси ҳамда Иқтисодий вазирлиги билан биргаликда кейинчалик айнан нархи ва сифати бўйича рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминловчи маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини ишлаб чиққан ҳолда, асбоб-ускуналар, бутловчи буюмлар, хомашё ва материалларни импорт қилишнинг доимий мониторингини ва тахлилини амалга оширсин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Ш.М.Мирзиёев зиммасига юксалинсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ
Тошкент шаҳри, 2007 йил 12 ноябрь


Маҳаллийлаштириш дастури ва Кооперация биржаси — тараққиёт омиллари



Саноатчиларимиз форуми

«Ўзэкспомарказ» павильонларида 12 ноябрь куни Ўзбекистон саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси очилди

Ўзбекистон саноатчиларининг ушбу форумида Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 224 корхона, жумладан, турли вазирлик, компания ва концернлар таркибига кирувчи 142 йирик ишлаб чиқарувчи субъекти ўз маҳсулот ва хизматлари билан иштирок этмоқда. Бу ерда илгари импорт қилинган ва эндиликда маҳаллий хомашё негизда ўзимизда ишлаб чиқарилаётган товарлар билан танишиш, уларнинг савдоси бўйича шартномалар тузиш мумкин. Тадбирда қатнаштиш имкониятига эга бўлмаган корхона ва ташкилотлар учун махсуос сайт очилган бўлиб, унда маҳаллий товарлар, маҳаллий ишлаб чиқарувчи субъектларнинг ҳақиқий ва талаблари ҳамланган.



Форум доирасида ўттиздан зиёд етакчи корхонанинг тақдими ўтказилиши режалаштирилган. Бундай тадбирлар тармоқлараро ва тармоқ ичидаги кооперация билан боғлиқ масалалар муҳокамаси учун яхши имконият яратди. Шунингдек, кооперация биржаси давомида маҳаллий корхоналарга, жумладан, кичик бизнес субъектларига ўзлаштириш учун таклиф этилаётган маҳсулотлар рўйхати тақдим қилинади. Ҳар бир иштирокчи ўзини қизиқтирган тармоқ юзасидан тўла маълумот олиши, ҳамкорлик юзасидан музокаралар ўтказиши, битим ва шартномалар имзолаши мумкин.

Анжуманининг биринчи куни «Ўзавтосаноат» акционерлик компанияси, Навоий кон-металлургия комбинати, Олмалик кон-металлургия комбинати, «Ўзметкомбинат» акционерлик ишлаб чиқарув бirlашмаси ва «Ўзбекистон қийин эрийдиган ва ўтга чи-

дамлик металлургия комбинати» очик акционерлик жамиятининг тақдимоатлари бўлиб ўтди.

Автомобилсозлик Ўзбекистонда Президент Ислам Каримов ташаббуси билан ташкил қилинган энг янги саноат тармоқларидан биридир. «GM Ўзбекистон» қўшма корхонаси ишлаб чиқарилаётган автомобиллар нафақат юрти-мизда, балки хорижда ҳам жуда хариддордир. Самарқанд автомобиль заводида эса нафақат автобуслар, балки юк, чиқит ташиш машиналари, кўтарма кранлар ҳам ишлаб чиқаришмоқда.

Автомобилсозликда маҳаллийлаштириш жадал давом этаётир. «Ўзавтосаноат» таркибида очилган йигирмага

яқин корхонада аккумулятор, ойна, ўтирич, бампер, глушитель, ёниги баки, ички қоплама буюмлари, автоэмаль, жугт каби кўплаб бутловчи қисмларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси қатнашчилари бир ҳафта давомида бир-бирининг имкониятлари, талаб ва эҳтиёжлари билан танишадди, ҳамкорлик юзасидан музокаралар ўтказадди, савдо шартномалари ва шериклик битимларини имзолайди.

Форумнинг биринчи куни умумий қиймати 111,6 миллиард сўмлик 62 шартнома имзоланди.

(ЎзА)
Суратларда: форумдан лавҳалар.

Демократик тараққиёт йўлида

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мамлакатимиздаги демократик ислохотлар ва Ўзбекистоннинг ўз тараққиёт йўли ҳақида тўхталар экан, ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари, Олий Махлис Қонунчилик палатаси депутаты Шарбат Абдуллаева демократик жараёнлар ва кўппартиявийлик тизими, унинг жамият тараққиётидаги ўрни, сиёсий партияларга яратилган янги ҳуқуқий шароитнинг демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришда аҳамияти ҳақида гапирди.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг бу борадаги тарбият-ташвиқот, оммавий-сиёсий ва тушунтириш ишлари марказида мамлакатимизнинг демократия йўлидан изчил бораётганини кўрсатиш, фуқаролик нуктаи назари ва ҳуқуқий маданиятини шакллантириш масалалари турганлигига эътибор қаратди. Президентимизнинг «Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли» маърузасида айтиб ўтилган демократик ислохотларнинг ривож-

ланиш босқичларидаги кенг тушунтириш бу йўналишдаги ишлар учун дастурийлашди. Бу эса партия ташкилотлари, сайланма органлари ва депутатлик бирлашмалари зиммасига мамлакатимизда ва унинг атрофида бўлаётган воқеалардан мунтазам хабардор бўлиш, уларга сиёсий баҳо бериш ҳамда буни эълонроғатга етказиш масъулияти-ни юклаши таъкидлаб ўтилди.

Демократик жамиятда кўппартиявийлик ҳақида Абдуманноб Раҳимов маъруза қилди. Маърузачи демократия ва вақиллик демократияси тушунчалари, вақиллик демократиясида фуқароларнинг иштироки ҳақида батафсил тўхталди. Қонунчилик палатаси депутаты Фахриддин Ражабов қабул қилинган Конституциявий Қонун партиялар фаолияти учун мутлақо янги ҳуқуқий майдон яратгани ва у мамлакат парламенти фаолиятини ташкил этиш, вақиллик, ижроия ҳокимият органларини шакллантириш,

уларнинг фаолияти устидан назоратни амалга оширишдаги роли, ўрни ошгани ҳақида тушунтириш берди.

Муҳокамаларда сўзга чиққан Тошкент шаҳар партия кенгаши раиси Учқун Шойимқулов, Янгийўл шаҳар партия кенгаши раиси ўринбосари Соли Бойматов, Марказий Кенгаш экспертлари Нормурод Маматов, Маргарита Аҳмедбекова ва бошқалар демократия тушунчаларининг ҳақондагина асосий принциплари ҳамда уларнинг республикамизда изчил жорий этилаётгани, мамлакатни демократик модернизациялаш ҳозирги босқичнинг ўзи-га хос хусусиятлари, бу жараёнларда ЎзХДПнинг ўрни каби масалалар ҳақида сўз юритдилар.

Муҳокамалар жараёнида билдирилган фикрлар асосида партия ташкилотлари томонидан ўтказиладиган сиёсий семинар машғулотлари учун тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

ЎзХДП: воқеалар, хабарлар, янгиликлар

ЎзХДП ташкил топганининг 16 йиллиги муносабати билан партиянинг Қорақалпоғистон Республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгаши қўлаб оммавий-сиёсий ва маданий-маърифий тадбирлар ўтказди. Партия фаоллари, электрот вакиллари иштирокида маҳал-ларга, корхона, ташкилот ва ўқув юртида «Мустақиллик — буюк неъмат», «ЎзХДП сиёсий мафқураси принциплари — ижтимоий адолат, ижтимоий бирдамлик ва ижтимоий демократия», «Сиёсий партиялар фаолияти — демократик ривожланишнинг мўҳим шarti ва гарови», «Турмуш фаровонлиги — партияимиз сиёсатининг марказий масаласи», «Ёшлар — партияимиз таяничи», «Мамлакатимиз сиёсий ҳаёти-да ЎзХДПнинг ўрни ва роли», «Ўзбекистон Халқ демократик партия-си менинг тақдиримда» мавзуларида анжуманлар бўлиб ўтди.

Хоразм, Жиззах, Самарқанд, Бухоро, Навоий, Фарғона, Қашқадарё вилоят партия кенгашиларидаги сиёсий ва фуқаролик маъри-фати тизими машғулотларида ЎзХДП МК «Эҳтиром китоби»га кири-тирилган фаоллар иштирокида Президентимизнинг «Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли» маърузасида илгари суртилган гоғлар ўрганилди ҳамда ЎзХДП фаолияти ҳақида мулоқотлар бўлиб ўтди.

Ушбу тадбирларда партия сафига қабул қилинган янги аъзо-ларга гувоҳномалар, партиянинг фаол аъзоларига Фахрий ёр-ликлар ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

ЎзХДП Қорақалпоғистон Республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашиларида партия ташкилотлари раҳбарлари, партия аъзоси бўлган обрў-эътиборли кишилар, адиб ва олимлар, депу-татлар, партиянинг биринчи қурултойи делегатлари билан учра-шувлар, ёшлар билан партия гоғлари ва сиёсати, сайловларнинг демократия кўзгуси экани тўғрисида мулоқотлар бўлиб ўтди.

Жойларда шу сана муносабати билан нафақадигилар, бемор-лар, яққа-ёлғиз кексалар ҳолидан хабар олинди ва бир пиёла чой устида суҳбатлар уюштирилди.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Сиёсий фаоллик ошмоқда

Самарқанд шаҳридаги «Ёшлар саройи»да Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вилоят филиали томонидан «Сайловда иштирок этиш эркинлиги. Овоз бериш тартиби» мавзусида давра суҳбати ўтказилди

Сиёсий партияларнинг вилоятда-ги фаоллари, «Камолот» ёшлар иж-тимоий ҳаракати, давлат ва нодав-лат ташкилотлари, ОАВ вакиллари иштирок этган давра суҳбатида сайловларнинг моҳияти, Президент сайловининг Ўзбекистон сайлов ти-зими, демократик жамият қуришда тугган ўрни, аҳолининг сиёсий фа-оллигини янада ошириш, каби ма-

салалар ҳақида атрофлича фикр-мулоҳазалар ўртага ташланди.

— Келгуси ойнинг 23-куни бўлиб ўтадиган Президент сайлови халқ-имизнинг хоҳиш-иродаси, орзу ис-такларининг рўёбга чиқаришда мўҳим аҳамиятга эга бўлган сиёсий та-дбир, — дейди ФЖУИ вилоят фили-али раҳбари Жўракул Бахронов. — Шундай экан, ушбу сиёсий кампа-

нияни очик-ошқора, демократик та-ломийларга тўлиқ амал қилган ҳолда ўтказилиши учун вилоятда бир қатор эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг нати-жалда халқимизнинг сайлов қону-чилиги, унинг моҳияти ҳақида би-лимлари, сиёсий маданияти ошиб бораёпти.

Баҳс-мунозара шаклида ўтган ан-

жуманда сўзга чиққан иштирокчи-лар демократик сайлов тамойилла-рини аҳоли орасида тарғиб қилиш-да ҳолислик ва ошқораликни таъ-минлаш баробарида турли тушу-новчиликларга ўз вақтида жавоб қайтариш лозим эканлигини ҳам таъкидлашди.

Шухрат ҚАРШИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

«Истиқбол» етакчилари

Ёшликнинг шижоати билан

олдимизга тўғри мақсад кўя олсак, астойдил ҳаракат қилсак, муродимизга етамиз, — дейди ЎзХДП Наманган туман кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси Умиджон Солиев

Талабалик фақат маълумот оlishдан иборат эмас. Бу давр ёшларга нафақат билимни, балки юксак маънавиятни, дунёқараши кенг инсон сифа-тида вояга етиш имконини бе-ради. Аммо барча ҳам бунини ўз вақтида англаб етмайди. Ан-глаганлар албатта юксак чўққи-ларга, кўзланган олис манзил-ларга тезроқ етади.

Умиджон бу сўзлар мазмуни-ни Наманган муҳандислик педа-гогика институтининг талабали-гига қабул қилинган вақтда чу-қур англаб етганди. Шунинг учун ҳам астойдил изланди, магистр-атургага ҳам ҳўжжат топширди. Қишлоқ фарзанди эмасми, рўзғори даладан олинмаган

ҳосилга боғлиқ бўлган деҳон-лар оғирини енгил қилиш ҳақида ўйлаб бошлади. Ер ҳосилдорли-гини ошириш, бунинг учун ту-роқ таркибини микроорганизм-лар билан бойитиш устида бош қотирди. Қўнғ билан ўқиб-ўрга-нишдан эринмади. Устозлари билан маслаҳатлашиб, микробио-логик препаратларнинг пахта ҳосилдорлигига таъсири бўйича магистрлик диссертациясини ёзишга киришди.

Институт доценти, биология фанлари номзоди Абдужаббор Муродуллаев унинг изланишла-рини астойдил қўлаб-қувватла-ди. Умиджон мавзу бўйича на-зарий билиминини амалиётдаги ку-затишлари билан мустаҳкамла-

ди. Илмий раҳбарининг масла-ҳати билан Андижон сунорила-диган ерларда галла ва дўжжа-ли дон етатириш илмий тадқи-қот институтининг Наманган фи-лиали тажриба ҳўжалигида тўпланган назарий тадқиқотлар асосида чигитга ишлов беришга киришилди. «Наманган-34» навли пахта уч йил кўринишда микро-организмлар таъсирида парва-ришланди. Натижа ҳосилдорлик гектарига 3-6 центнерга ўсгани-ни кўрсатди. Уч йил кўриниш-нинг энг маъқули аниқланиб, 2007 йил учун «Омад» навли пах-та нави устида иш олиб борил-ди. Ҳосилдорлик оғдатдагига нис-батан 6-7 центнерга ўсиши мум-кинлиги тасдиқланди. Бу натижа

Умиджоннинг устоз-мураббийла-рини ҳам мамнун этди. Магистр йигит илмий изланишларини да-вом эттириб, келгуси йилда таж-риба ҳўжалигидаги хар гектар ердан ҳосилдорлигини 50 цент-нерга етказиш устида астойдил иш олиб бораёпти.

Таълим олиш, илмий-тадқиқот ишлари билан бир вақтда Умид-жон Солиев Ўзбекистон ХДП На-манган туман кенгаши «Исти-қбол» ёшлар қанотида етакчилик қилмоқда. Партиянинг ёшларга доир сиёсати, дастурий мақсад-ларини амалга ошириш, пози-циясини тарғиб этиш юзасидан қатор ибратли ташаббуслар би-лан чиқаяпти. Туман ёшлари ора-сига кириб бораёпти.

— Интилганга толе ёр, де-ган нақл бехизга айтилмаган, — дейди у. — Киши орзу-мақ-садини анчик белгилаб, ўзида-ги билим, куч ва имкониятни ана шунга сафарбар эта олса, юксак натижага албатта эри-шади. Илм йўли заҳматлар оралаб ўтади. Бунга устозла-римиз, аллома боболаримиз ҳаётдан мақоллар кўп. Шу заҳматни зиммага ололсак, катта-катта ишларни бошлаш-га журъатимиз етса, энг юк-сак чўққилар ҳам шубҳасиз бизникидир. Мен шу ҳўлосам-ни тенгдошларим, айниқса қишлоқ жойлардаги ёшларга айтгим, эслатгим келади.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ



Сарвар ўрмонов (ЎзА) олган суратлар

Зиёратгоҳ таъмирланди

Когон туманидаги Янги ҳаёт қишлоғи яна бир қадамга билан бойиди. Бу ерда ислом оламининг орифларидан санал-миш ҳазрат Сайид Мир Қулло мангу қўним толган зиёратгоҳ мутлақо янги қиёфага эга бўлди.

Зиёратчилар ҳозирги манзарани қўриб лол қолишлари тайин. Илгариги мақбара ўрнида икки хонадан иборат меъморий услубдаги маҳобатли мақбара қад ростлади. Пирнинг қабрига мармуртош қўйилди. Шунингдек, бу ердаги боғ ҳам анча кенгайтирилиб, гулзор-

лар барпо этилди. Қисқаси, нафақат зиё-ратгоҳ, балки Амир Қулло номлари билан аталадиган кўча ҳам обод бўлди.

Қўтлуг қадамжони қайта таъмирлашда «Бу-хорогазасаноатқурилиш», «Амубухоромашина-канал» ҳиссадорлик жамиятлари, «Олтин тола» акциядорлик жамияти, 11-автокорхона ҳамда вилоятдаги бошқа қурилиш ташки-лотлари бунёдкорлари фаол иштирок этди-лар.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири



Меҳр ва эътибор самараси

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мамлакатимизда истеъдод соҳибларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг интилиш ва қобилиятларини юзага чиқариш йўлида тинмай ғамхўрлик қилиш давлатимиз сийосатининг асосий йўналишларидан бирига айланган. Бугун маданият, спорт, санъат ёки фаннинг қайси соҳасида бўлмасин, ўз иқтидорини намоён этган билимли, салоҳиятли фарзандларимизга ҳуқуқимиз, шахсан Президентимиз томонидан алоҳида меҳр ва эътибор кўрсатиб келинмоқда. Бунга жавобан ҳар йили қўллаб-қувватлаш халқаро майдонларда Бата-нимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб, она-юртимизга ёруғ юз билан қайтишмоқда. Ана шундай умидли истеъдодлардан бири — эъдиғина ўн ёшга тулган Тохиржон Аскарқовдир.

У 1997 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Отаси Абдуқўҳор Жавҳаров Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонасида катта уста бўлиб ишлаётган, онаси Зарифа опа ҳам шу соҳада меҳнат қилади. Тохиржон оилада кенжа фарзанд. Акиси — Абдуҷаббор Аскарқов Тошкент алоқа касб-ҳунар коллежининг 1-босқун талабаси. Опалари Фотима ва Зухра — 234-мактабнинг 3-синфда ўқийди.

Тохиржон 3-4 ёшдаёқ мусиқага қизиқди. Буни сезган ота-онаси фарзандини Глиэр номидаги махсус мусиқа академик лицейига қўйишди. Тохиржоннинг эслашича, ҳаётдаги энг унутулмас воқеа — бу ўқийшга кирганида тоғаси унга мусиқа асбоби совға қилгани бўлган экан.

У биринчи синфдан бошлаб устози Ирода Ибрагимовадан пианино сирларини кунт билан ўрганди. Шу соҳага оид қўшимча сабоқлар олди. Натихада

тез орада Тохиржонда пианино ва фортепьяно чалиш бўйича қобилият шаклланиб келаятигани маълум бўлди. Ёш истеъдод эгаси «Соғлом авлод учун» жамғармаси томонидан ўтказиб келинаётган «Санъат гунчалари» республика ёш мусиқачилар танловида бу йил ижрочилик маҳорати билан ялт этиб кўзга ташланди. Кейин 23-28 октябрь кунлари жаҳон мусиқа маданияти маркази саналмиш Агрополь шаҳрида ёш пианиночиларнинг халқаро «Le Muse» танловида ўз иқтидорини тўла намоён қилиб, ғолибликни қўлга киритди. Албатта, бу нафақат ёш истеъдоднинг ютуғи, балки юртимизда ҳеч қимдан кам бўлмаган баркамол авлод туркираб ўсаётганидан ёрқин далолатдир.

Шу муносабат билан кўни кеча Ўзбекистон давлат консерваториясида катта тадбир уюштирилди. Санъатимиз фидойилари, устоз-мурабийлар, ота-оналар ҳамда талаба-ёшлар йиғилган ушбу тантанادا Тохиржон кўлга киритган ғалаба яна бир бор тилга олинди, ёш мусиқачи номига олқишлар янгради. Тадбирда Тохиржонга Президентимизнинг 1995 йилдан буён махсус мусиқа лицейларида жорий этиб келинаётган академиклик гонорари стипендияси ҳамда замонавий компьютер ва пианино совға қилинганда зални гўлдур қарсақлар тугди.

— Тўғригини айтсам, ушбу танловда қатнашиб ғолиб бўлган деб ўйламаганим, — дейди Тохиржон. — Бошида бироз ҳаяжонландим. Танловнинг 1-турда Бахнинг «Инвенция» кўйини пианинода чалдим. 2-турда эса Моцарتنинг «Соната», Шопеннинг «Вальс» асарларини ижро этдим. Танлов якунланиб, Ватаним ва mening номим эълон қилинганда, айниқса хур-

санд бўлиб кетдим. Келажакдаги орзум — етук пианиночи бўлиб, санъатимизни жаҳонга танитиш.

Ирода ИБРАГИМОВА, ўқитувчи:

— Аслида устоз учун шогирди ютуғини кўришдан-да улкан бахт бўлмас керак. Тохиржон билан Италияда бўлиб, Россия, Украина, Франция, Руминия, Чехословакия сингари 15 дан ортик давлат вакиллари билан ўзаро куч синашиш мен учун ҳам катта синов бўлди. Айниқса, ўқувчимнинг масъулиятини чуқур ҳис этиб, ўз мақсади йўлида дадил ҳаракат қилиши мени жуда қувонтириб юборди. Тохиржоннинг бу ютуғи миллий мусиқа санъатимиз, ижрочилик маҳорати иқтидорли ёшлар билан бойиб бораётганидан далолат беради.

— Фарзандимизнинг бу ютуғи Президентимиз ва ҳуқуқимиз томонидан ёш авлод учун яратилаётган шароит ва эътиборнинг самараси деб биланам, — дейди **Тохиржоннинг онаси Зарифа Жавҳарова.**

Дарҳақиқат, Тохиржонга ўхшаган ёшларимиз тобора кўпайиб бормоқда. Қалби нафосатга лиммо-лим, орзуи Ватанимиз шухратини оламга ёйиш бўлган бу каби фарзандларнинг нималарга қодир эканлигини кўриб гурурланасан, қалбинг ифтихорга тўлади. Шундай лаҳзаларда илгарй қайта-қайта ўқтирилган давлатни яна бир бор таъқидлагин келадди. Ўзбекистон фарзандлари ҳеч қимдан кам эмас, кам бўлмайдими ҳам!

Матназар ЭЛМУРОДОВ

Суратда: Тохиржон онаси Зарифа Жавҳарова билан.

Козим ЎЛМАСОВ («Ўзбекистон овози») ва **Дилшод ЮСУПОВ** (ЎЗА) олган суратлар.

Ўзбекистон давлат консерваториясида 11-12 ноябрь кунлари фестивалнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри саралаш босқичи ғолиблари иштирокида катта концерт дастури намоиш этилди.

«Янги авлод» фестивали «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг йирик ижодий лойиҳаларидан. У иқтидорли ўқувчи-ёшларни излаб топиш, аниқлаш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда муҳим ўрин тутди. 2004 йилдан буён ўтказилаётган ушбу ёш истеъдодлар беллашувида дастлаб уч юз нафардан ортик ўғил-қиз иштирок этган бўлса, жорий йилда фестивалда салкам саққиз ярим минг нафар ўқувчи қатнашишга муваффақ бўлди. Уларнинг қарийб беш юз нафари эса санъат байрамининг якуний — республика босқичида қатнашиш имкониятини қўлга киритди. Иштирокчилар классик мусиқа, миллий чолғу асбоблари ижрочилиги, хонандалик, рақс,

Санъат байрамига айланган фестивал

Пойтахтимизда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати «Камалак» болалар ташкилоти ҳамкорлигида ташкил этилган «Янги авлод» Республика болалар ижодиёти фестивалининг якуний босқичи бошланди

тасвирий ва амалий санъат, шеърят, насрий ҳамда сахна асарлари каби олти йўналишда ўз билим ва маҳорати, иқтидорини намоён этмоқда. Ун тўрт ёшли Азима Даулетмуродова Қорақалпоғистоннинг Тахтақўпир туманидаги 2-мактабда таҳсил олади. Азима фестивалга қорақалпоқча қўшиқ тайёрлаб келган. Айтишича, Тошкентга биринчи келиши. Беллашув сабаби юртимизнинг бошқа минтақаларидан келган кўплаб тенгқурлари билан дўстлашди. Фестиваль доирасида пойтахтимизнинг гўзал масканлари, музейлар, майдо-

ну хиёбонларига ташкил этилаётган экскурсиялар бир умр унинг ёдида сақланиб қолади.

Тошкент Фото уйида ижодий беллашувнинг тасвирий ва амалий санъат йўналиши бўйича ғолибларнинг асарларидан иборат кўргазма очилди. Унда юртимиз ёш ижодкорларининг бир юз элликдан ортик ижодий иши намоён этилмоқда.

Санжар Эгамбердиев — улардан бири. У Самарқанд вилояти Каттақўрғон туманидаги 1-мактабнинг олтинчи синфда ўқийди. Бу ерда ҳаваскор мусаввир мўйқаламига мансуб «Тарихга назар»

мавзудаги туркум расмлар намоиш этилмоқда. Санжар чизган расмлар нафақат тенгдошлари, балки юртимиздаги таниқли расмоларнинг ҳам эътиборига тушгани диққатга сазовордир.

«Янги авлод» Республика болалар ижодиёти фестивали 13 ноябрь куни Халқлар дўстлиги саройида ғолибларни тақдирлаш ҳамда санъат усталари, ижрочи ёшлар, фестивал совриндорлари иштирокида бўлиб ўтажак гала-концерт билан якунланади.

Назозат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири



Суратларда: якуний босқичдан лаҳзалар.



Мухаммад АМИН (ЎЗА) олган суратлар

Китоб — маънавият булоғи

Ёшлар таълим-тарбиясини мукаммал дарсликлар яратмасдан туриб тасаввур қилиб бўлмайди. Шу босиб бугун мактабларимиз моддий-техника базасини мустаҳкамлаш билан бирга уларни ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлашга таълим ислохотларидаги асосий устувор масала сифатида қаралмоқда. Жумладан, бу борада Президентимизнинг «Умумтаълим мактаблари ўқувчи-

рини дарсликлар билан таъминлаш тизмининг такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2005-2009 йилларда умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар нашр этиш дастури тўғрисида»ги Қарорлари қабул қилинган.

Кўни кеча пойтахтимизда очилган умумтаълим мактаблари учун

мўлжалланган дарслик ва ўқув-методик қўлланмаларнинг ихтисослаштирилган йўналиш кўргазма-ярмақраси ҳам шу борадаги ишларни мувофиқлаштириш мақсадини қўзғатиш билан эътиборга молик. Республика Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, «Ўзқитобсавдо» ДАК ҳамкорлигида ташкил этилган кўргазмада Тошкент шаҳри ва вилояти халқ таълими бошқармалари ходимлари, мактаб

раҳбарлари, ўқитувчилар ҳамда кенг жамоатчилик иштирок этди. Бир ой давом этадиган ушбу кўргазмада республика нашриёт-матбаа ижодий уйларида чоп этилган дарслик ва ўқув қўлланмалар, болалар бадиий адабиётлари, лугатлар ҳамда қўшимча кўргазмалар қўроллаб намоиш этилмоқда.

Китоб байрамининг очилиш маросимини сузга чиққан Халқ таълими вазирлиги бошқарма бошлиғи Йўлдош Асадов, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги бош директори Уринбосов Уткир Жўраев ва бошқарув бугун мамлакатимизда таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотлар босқичма-босқич ва изчил давом этаётгани, унинг самараси ўлароқ юртимизда ҳар томонлама соғлом, баркамол авлодни камол топтираётгани ҳақида сўзлашди.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, ушбу дарсликлар кўргазмаси ойлиги нафақат пойтахтимизда, балки барча вилоятлар марказларида ҳам бўлиб ўтмоқда. Бу эса мамлакатимизнинг барча ҳудудларида болаларнинг янги адабиётлар билан танишишига, китобдан маънавий озуқа олишига яна бир имкон яратилади, деганидир.

Зайниддин МАМАДАЛИЕВ.
Суратда: тадбирдан лаҳза.



Владимир ГРАНКИН олган сурат.

14 ноябрь — Халқаро қандли диабетга қарши кураш кўни

Мутахассислар фикрича, агар турмуш тарзини яратмоқ бўлган соғлигимизни юз фоиз деб оладиган бўлсак, шундан 80 фоизи овқатланиш тартибига боғлиқ экан.

Агар биз истеъмоладан қилаётган овқатимизда ёғ ва майлар ортиб кетса, юрак-қонтомир, ун ва қанд маҳсулотларининг ортқаси қанд касаллиги, артритлар, қабзият ва рақ касалликларига, гўшт маҳсулотларини ортқича ёйиш эса буйрак хасталиқларига олиб келади. Баъзан одамлар орасида «Ким кўхлик — қомати тўлиқ кўхлик», деган ярим ҳазил аралаш гап юради. Аслида «тўлиқ кўхлик»лик ҳам касаллик аломати, яъни организмда қандли диабет хасталиғи бошланишидан белги бўлиши мумкин.

Дунё тиб олимларининг илмий тадқиқотларига қараганда, бугунги кунда ривожланган мамлакатларда 9-30 фоиз аҳоли сунункали семизлик касаллигидан азият чекаётган. Чунки, семизлик — фанда энг кам ўрганилган касаллик саналади, аҳоли орасида эса қандли диабетга чалиниш ҳолатини кўпайтиради. Жаҳон соғлиқни сақлаш таш-

котили экспертларининг таъкидлашича, бугунги кунда ер юзиде 300 миллион нафардан ортик аҳоли қандли диабет касаллигига чалинган. 2025 йилга бориб эса дунёда қандли диабетга чалинганлар сони 350 миллиондан ортик кетиши мум-

Авал хабар қилганимиздек, Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Эндокринология илмий-текшириш институти билан ҳамкорликда жорий йилнинг 20 октябрдан 20 ноябргача «Қандли

лаликни тиббий муҳофазалаш бўлими ходимлари томонидан аҳоли орасида «Қандли диабет ҳақида нималарни биласиз?» сўровномаси ўтказилмоқда.

Ойлик доирасида Наманган вилоятининг Эндокринология шифо-

берилди. — Оилани қандли диабетдан ҳимоя қилиш, келгуси иш фаолиятимизнинг доимий кун тартибига, — деди семинарда **Республика Хотин-қизлар қўмитаси расми муовини Гулнора Маърупова.** —

Халқаро Қандли диабет Ассоциацияси вакили Кристиан Андерюяш, келгуси иш фаолиятимизнинг доимий кун тартибига, — деди семинарда **Республика Хотин-қизлар қўмитаси расми муовини Гулнора Маърупова.** — Мамлакатимизда аҳоли соғлиғига катта эътибор қаратилар экан. Дунёнинг бирор жойида мен бу даражада халқ соғлиғига давлат миқёсида қаралишни кўрмаганман. Қандли диабетга учраган касаллар ҳамма давлатда учрайди. Аммо мен бир нарсага ҳайрон бўлдим, мева-чеваларининг табиий, витаминга бой, тузсиз, суви, ҳаммаси табиий, жаннатнинг ўзгичаси. Қандай қилиб шундай юртда одам касал бўлиши мумкин? Фақат одамлар ўз соғлиқларини табиий маҳсулотлар орқали сақлашга бепарвороқ экан, холос... Бизнингча, бу мулоҳазани эътиборсиз қолдирмаслик керак. Йилнинг тўрт фасли ҳам юртимиз бозорларида сархил мева, сабзавот, полиз маҳсулотлари бисёр. Булар қандли диабетга қарши курашга тайёр табиий дорилар. Ўз соғлиғимизни ўзимиз назорат қила билсак бўлгани...

Саида САЙХУН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«Ўз соғлиғини ўзи назорат қилиш хасталиқдан асрайди», —

дейди республика Эндокринология илмий-текшириш институти директори, тиббиёт фанлари доктори, профессор Саид ИСМОИЛОВ

диабет касаллигига қарши кураш ойланиги эълон қилган. Ойлик доирасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри саралаш босқичи ғолиблари иштирокида катта концерт дастури намоиш этилди.

диабет касаллигига қарши кураш ойланиги эълон қилган. Ойлик доирасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри саралаш босқичи ғолиблари иштирокида катта концерт дастури намоиш этилди.

диабет касаллигига қарши кураш ойланиги эълон қилган. Ойлик доирасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри саралаш босқичи ғолиблари иштирокида катта концерт дастури намоиш этилди.

диабет касаллигига қарши кураш ойланиги эълон қилган. Ойлик доирасида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри саралаш босқичи ғолиблари иштирокида катта концерт дастури намоиш этилди.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO'RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'afur HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihdin MUHIDDINOV
Nomoz SA'DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ
DEMOKRATIK PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:

Partiya hayoti
133-10-13

Madaniyat va sport
133-69-45,
133-21-43

Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot
133-20-36,
133-44-55 (Tel. Faks)

Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot
133-12-56

Kotibiyat
133-72-83,
136-55-17

Reklama va e'lonlar
133-38-55,
133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda —
25-32-70

Buxoroda —
222-10-92

Gulistonda —
25-22-32

Jizzaxda —
5-49-85

Navoiyda —
223-83-73

Namanganda —
6-43-43

Nukusda —
222-70-15

Samarqandda —
35-20-54

Urganchda —
226-51-35

Farg'onada —
26-43-62

Denovda —
8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT,
MATBUOTCHILAR
KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi:
Shohiyar MIRHABIBOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar:
Ikomjon ISMOILOV
Sobirjon TUNG'ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqaruvida chiqariladi.
Korxonamanzil:
Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosiladi. Hajmi 2 bosma taqob.

Gazeta shehansha, pashshaba va shaba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib boshqa faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

7824 nusxada bosildi
1 — Tijorat materiallari

O'ZA yakuni — 22.00
Topshirilgan vaqti — 00.30
1 2 3 4 5 6 7

Sotuvda erkin narxda